ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00995

ТАРИХ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИГА ҚАРАТИЛГАН ТАЪЛИМ КЛАСТЕРЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

Саодат Абдурашидовна Тоштемирова
Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада таълим кластерини ташкил қилишнинг ўзига хос тамойиллари таҳлил қилинган бўлиб, кластер модели асосида умумий ўрта таълим мактабларида тарих фанларини ўқитиш методикаси самарадорлигини оширишнинг педагогик ва ташкилий асослари тақдим этилган ҳамда таълим кластерларини ташкил қилиш механизмлари келтирилиб ўтилган.

Калит сўзлар: таълим кластери, тамойиллар, интеграция, кластер тузилмаси, босқичлар, ишлаш асослари, таълим хизматлари, истеъмолчи талаби, мутахассис тайёрлаш, назария ва амалиёт, натижа

THE BASIS OF THE ORGANIZATION OF EDUCATIONAL CLUSTERS AIMED AT THE EFFECTIVENESS OF TEACHING HISTORICAL SCIENCES

ABSTRACT

The article analyzes the specific principles of the organization of an educational cluster, presents the pedagogical and organizational bases for improving the effectiveness of the methodology of teaching historical disciplines in general education schools based on the cluster model, and also provides the basics of the organization of educational clusters.

Keywords: educational cluster, principles, integration, cluster structure, stages, basis of efficiency, educational services, consumer demand, training of specialists, theory and practice, result

КИРИШ

Ҳозирги кунда таълим тизимида давлат ва жамият талаблари ҳамда тақдим этилаётган таълим хизматлари ўртасида номувофиқлик, таълим субъектларини модернизация қилиш учун инвестицияларнинг етишмаслиги, меҳнат ва таълим бозорларидаги қарама-қаршиликлар билан боғлиқ қатор камчиликлар борки, бу таълим, фан ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзаро

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00995

ҳамкорлигини янги босқичга чиқариш пайти келганлигини кўрсатади. Бу муаммо таълим тизимида кластер моделини жорий қилиш билан маълум маънода ўз ечимини топмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мамлакатимизда таълимнинг педагогик кластер моделини татбиқ қилиш сўнгги йилларда самарали ишлар олиб борилмоқда. Маҳаллий олимларимиз Ғ.Муҳамедов, Ш.Мардонов, У.Ходжамқулов, Ж.Усаров, Р.Эшчанов, Ш.Ботирова ва бошқаларнинг илмий мулоҳазаларида педагогик таълим инновацион кластери асосида минтақавий таълим турлари ўртасидаги узвийликни таъминлаш, сифат самарадорлигини ошириш, малакали кадрлар тайёрлаш бўйича инновацион ғоялар жорий қилишнинг илмий-назарий асосларини яратиш ва уларнинг амалий татбиғи борасида самарали назарий ва амалий таҳлиллар баён қилинган. Узлуксиз педагогик таълим ўқув-илмий инновацион кластери концептуал ва назарий-методологик ёндашуви таниқли беларусь олимлари А.И.Жук ва А.В.Торховалар томонидан ишлаб чиқилган. Инновацион таълим кластерини тадқиқотчи Е.М.Терешин ишида ОТМ, илмий тадқиқот марказларнинг бошланғич ишларидан ишлаб чиқаришгача ўзаро ҳамкорлигини таъминланиши сифатида, таълим кластери тушунчасини С.Н.Растворцева горизонтал уланишларга асосланган таълим сифатида, Н.Н. Анисцына эса, иш берувчи ва таълим муассасалари ўзаро алоқаси сифатида Л.В.Овсиенко, И.В.Зимина, Н.Н.Клинцова тадқиқотларида таълим кластерлари ижтимоий шериклик доирасида университетлар, ўрта мактаблар, корхоналарнинг тармоқ алоқалари сифатида таъкидланган. Таълим кластерлари моделининг ягона типологик хусусиятлари М.Ю.Барышников, И.И.Чиннова, А.В.Симоновлар томонидан таклиф қилинди.

Мавзуни ёритишда ўқув-услубий ва илмий-методик адабиётлар таҳлили, илмий маълумотларни назарий-услубий, қиёсий таҳлил қилиш, кузатиш, ўз-ўзини назорат қилиш, суҳбат, умумлаштириш, моделлаштириш, мониторинг ва шарҳлаш каби умумий илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР

Маълумки таълим кластерларини яратишда таълим салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда минтақавий ҳудудлаштириш муҳим тамойиллардан ҳисобланади. Шу билан бирга таълим кластерини мақсадга мувофиқ равишда ишлашини таъминлаш учун тегишли даражадаги давлат ҳокимияти органларининг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00995

бошқарувчилик ролига асосланувчи етакчилик тамойилини мустаҳкамлаш лозим бўлади. Албатта таълим кластери субъектларини умумий манфаатга асосланувчи ўзаро боғлиқлиги кластернинг ўзига хос тамойилларидан биридир. Кластерни яратиш билан боғлиқ тамойиллардан келиб чиққан ҳолда унинг самарадорлигини ошириш борасида бир қатор, жумладан, ҳар бир иштирокчининг ўз фаолияти натижалари учун жавобгарлигини шакллантириш, кучли алоқани ва доимий равишда манбалар ва маълумотлар алмашинувини таъминлаш учун узоқ муддатли ҳамкорликни кўзлаш, белгиланган йўналишлар бўйича узлуксиз ривожланишни таъминлаш мақсадида динамикани мониторинг қилиш, кластернинг интеграцион табиати, яъни барча иштирокчилар манфаатларига мувофиқ келадиган бир нечта йўналишлар бўйича умумий равишда ишлаш каби муҳим жиҳатларга амал қилиши лозим бўлади.

Педагогик таълим кластерининг самарали фаолияти ҳудудий таълим тизими ходимлари, таълим муассасалари раҳбарларининг мақсадни тўғри англашлари ва ўзи мансуб субъектнинг ривожланиш тамойилларини кластерлаштириш жараёни билан боғлашларига боғлиқ, аммо бу жараёнда ўқитувчиларнинг ижодкорлиги, инноваторлиги ва креативлиги энг муҳим ҳисобланади. Истеъмолчи талабларига жавоб берадиган мутахассис фақатгина олий ўқув юртида муайян бир йўналишдаги компетенцияларни эгаллаши билан таъминланмайди, бу бўлажак мутахассисни тайёрлашнинг дастлабки бўғинлари ўз аксини топиши лозим. Олий ва умумий ўрта таълим ўртасидаги кластер тузилмасини ташкил қилиш бу мақсадни амалга оширишда самарали ёндашув ҳисобланади.

Умумтаълим мактабларида тарих фанларининг услубий бирлашмаларда таълим кластери фаолиятини йўлга қўйиш технологияси асосида умумтаълим мактабларида кластер тузилмаси ишлаб чиқиш уч босқичда амалга оширилади. Қуйида умумтаълим мактабларида тарих дарслари сифатини оширишда таълим кластерни ташкил этиш босқичлари ва ҳар бир босқичдаги технологик жараёнларни мазмунан изоҳлаб кўрсатиш мумкин. Дастлаб кластер таркиби аниқланади, бунда унинг негизи – йирик тизим, яъни олий ўқув юрти ёки унга ўхшаш тизимлар аниқланиб, улардан вертикал бўйича ўзаро боғлиқ бўлган қуйи ва юқори турувчи тизим кабиларнинг технологик занжирлари тузилади. Улар ўртасидаги умумий манфаатлар орқали ижтимоий буюртма ҳамда таълим хизматларини яратувчи етказиб берувчилар ва ташкил қилувчилар аниқланади. Биринчи босқичнинг сўнггида эса, барча тизимларнинг умумий манфаатлари асосида фаолият самарадорлиги учун қўшимча ички горизонтал занжирлар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00995

шаклланади. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, кластер чегараларини аниқлаш энг мураккаб вазифалардан бири ҳисобланиб, ҳамма вақт тадқиқотнинг мақсади ва концептуал ёндашувини белгилаб олиш муҳим шартлардан бири бўлиб қолади. Кейинги ўринда кластер ичида ички тармоқлараро бўлимлар, айниқса, кластер фаолияти учун самарали бўлган махсус усул, шакл, восита ва технологиялар, ахборот, капитал ҳамда инфратузилмани таъминловчи бўлимлар ажратилади. Таълим кластерини ташкил қилишнинг сўнггида эса, кластер иштирокчиларининг хатти-ҳаракатига таъсир этувчи (қоидалар, меъёрлар, рағбатлантирувчи омилларни шакллантирувчи) ҳукумат ва бошқа қонунчилик тузилмалари, яъни, олий ва ўрта махсус, халқ таълими вазирликлари каби вакиллик органлари аниқланади, улар ўртасида шартномалар тузилади. Умумий мақсад ва хусусий манфаатлардан, талаблардан келиб чиқиб қўшма дастурлар ишлаб чиқилади. Ташкилий-педагогик жараёнлар келтирилади. Истиқбол натижалар белгиланади. Демак кластер кўп вазифаларни бажаришга мўлжалланган бўлиб, унда турли, баъзан мақсадли бўлмаган тузилмаларни кластерга бирлаштириш, уларнинг оддий бирикмаларига тўғри келмайди. Кластернинг барча қисмлар йиғиндиси сифат жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Кластер қисмларини бир бутунга уйғунлаштиришнинг янги тамойиллари ҳам мавжуд бўлиб, у кластерга киритилган қисмларнинг умумий ривожланиш суратини белгилаб беради. Таълим мажмуасининг асосий маҳсулоти рақобатбардош кадрлар ва таълим хизматлари ҳисобланади. Таълим кластерининг пировард мақсади таълим ва илмий жараёнларни такомиллаштиришга қаратилган. Бу эса тизимда бошқарув, тузилма ва сифат билан боғлиқ жиддий ўзгаришлар билан бирга мутахассисларни тайёрлаш тизимида айрим ташкилий ва таркибий ўзгаришларни ҳам талаб қилади. Айни пайтда, бу борадаги ишларнинг барча босқичларида янги шакл ва усулларни излаш, таълимнинг барча турларини мақсаднинг умумийлиги ва манфаатларнинг хусусийлиги бўйича алоқадорлигини кучайтириш, улар ўртасидаги интеграцияни таъминлаш масаласи ётади.

МУҲОКАМА

Таълим кластери асосидаги олий таълим муассасалари ва мактабларнинг ўртасидаги ҳамкорлик муаммоси биринчи навбатда ўз олдига мақсадни қўйишдан бошланади. Бу борада олий таълим муассасаларининг мақсади иқтидорли мактаб битирувчи ўқувчиларини қабул қилишдан иборат бўлса, мактабларнинг мақсади ўқувчиларни олий таълимга кириш кўрсаткичини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00995

оширишдан иборат. Мактаб ўқувчиларининг шахсий ва касбий ўзини ўзи белгилашлари ҳар доим ўқувчиларнинг ўзлари ва уларнинг ота-оналарининг муаммоси бўлиб келмоқда, бу эса мактаб таълимида анчайин кескин даражада намоён бўлаётган олий таълим ва мактаб ўқув дастурлари ўртасидаги интеграциянинг сустлиги билан изоҳланади. Иккинчидан, ўқувчиларининг ўқишга бўлган мотивациясининг қуйи даражада эканлигида кўзга ташланади. Учинчи муаммо шундан иборатки, мактабдан ташқари таълим жараёнини илмий йўналтиришга эҳтиёж сезилмайди. Тўртинчи қарама-қаршилик, педагогик олий таълим муассасаларининг битирувчиларининг кўпчилиги шу соҳада фаолият олиб боришни хоҳламайди.

Ҳозирги вақтда олий таълим ва мактаб ўртасидаги муносабатларни ўзида акс эттирувчи бир нечта моделлар мавжуд: ихтисослаштирилган мактабларни (синфларни) ташкил қилиш, юқори синф ўқувчиларини олий таълимга тайёрлаш ва ҳоказо. Бироқ бу каби моделларнинг камчилиги уларнинг бир ёқлама иш олиб боришларида бўлиб, унга кўра мактаблар буюртмачи, олий таълим эса ижрочи сифатида ишлайди. Ҳамкорлик (ўзаро муносабат)нинг асоси қўйилган вазифани барча иштирокчиларнинг биргаликда ҳал қилишлари, бу борада уларнинг мавқейидаги тенглик, шунингдек, барча субъектлар саъй-ҳаракатларининг бошқа субъектларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжлари билан уйғун келишидир. Ҳозирги вақтда интеграцияга асосланган касбий ривожлантирувчи таълим концепцияси жуда долзарб масала бўлиб, педагогика олий ўқув юртлари талабалари ўқитиш методикаси ва ўқувчилар билан ишлаш бўйича замонавий билимларга эга бўлишлари, замонавий мактаб, болалар боғчалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан яқиндан танишишлари, айни пайтда раҳбар ва тадқиқотчи бўлишлари талаб қилинади. Бошқача айтганда, талаба ўқув жараёнида ўрганилган билим ва кўникмаларини мактабларнинг ўлчови билан бажаришлари лозим. Бундан ташқари, бўлажак тарих фанлари ўқитувчиси ўқиш даврида нафақат ўз касби билан боғлиқ бажариладиган амалий вазифаларни, балки ижтимоий ва амалий тажрибага ҳам эга бўлиши керак. Бу кейинчалик унга таълим муассасасининг амалиёти ва корпоротив муҳитига муваффақиятли қўшилишига ва ижтимоий ҳамда ишлаб чиқариш мослашувини осонлик билан ўтказишига ёрдам беради.

Бўлажак тарих фани ўқитувчиларини тайёрлашдаги асосий ғоя педагогик таълимни амалиёт билан уйғунлаштириш ғояси бўлиши мақсадга мувофиқ, бу жараёнда нафақат профессионал таълимда, олий таълимда, педагогика соҳасида ҳам дуал таълимни жорий этиш юқори самарали усуллардан бири саналади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00995

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, олий педагогик таълим ва мактаб амалиётининг интеграцияси талабанинг касбий ва педагогик фаолиятга тайёрлигини ривожлантиришга қаратилган назария ва амалиётни уйғунлаштириш жараёни сифатида кўриб чиқилиши зарур.

Таълим кластерлари ташкил қилинган умумий ўрта таълим мактабларида тарих дарсларида сифатли таълим олувчини таъминлаш учун қуйидагиларга аҳамият бериш лозим:

таълимни кластерлаштириш билан боғлиқ илмий-амалий ишларни муваффақиятли амалга ошириш, уларда самарадорликка эришиш учун мавжуд технологик ва илмий инфраструктурани жараёнга мослаштириш;

субъектларда тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш воситасида уларнинг мазкур инновацион жараённи тўла англаб етишларига эришиш;

ҳамкорлик кўп томонлама манфаат келтиришини англашларига имкон яратиш;

кластерни ривожлантиришнинг пухта ўйланган стратегиясини, лойиҳасини муваффақиятли бошқаришнинг усул ва йўлларини ишлаб чиқиш;

қатнашчилар ўртасида тезкор ахборот алмашиш имкониятини яратиш лозим, бу кластернинг муваффақият гаровидир.

Лекин бу жуда кенг кўламдаги ташкилий жараён бўлиб, кўп вақт ва аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятни талаб қилади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, кластерни ривожлантиришнинг аниқ самаралари 5-7 йилда кўзга ташлана бошлайди. Тарих дарсларига нисбатан кластер ёндашуви муассаса бошқарув органларига тизим ичида самарали ўзаро таъсир ўтказиш учун муайян воситалар билан таъминлаш, муаммоларни яхшироқ тушуниш, минтақада тарих фанларини самарали ўқитишни ривожлантиришнинг илмий асосларини режалаштириш имконини беради. Буларнинг барчаси таълим кластерининг катта илмий-амалий аҳамиятга эга ҳодиса эканлиги ҳақидаги фикрларни тасдиқлайди, бу тизим интеграциялашув орқали янги синергетик сифатга эришиш имконини беради. Таълим кластери тизимнинг тарихий билимларга бўлган рақобатбардошликни таъминловчи муҳит ва шарт-шароитни яратган ҳолда, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий аҳамияти ортиб боради. Бу жараёндаги бутун тадбирлар мажмуи илмий ва касбий кадрларни тайёрлашнинг асосий пойдевори бўлган таълим сифатини оширишга қаратилган. Аммо кластер доирасида бирлашган субъектларнинг барчаси ҳам дарҳол ҳақиқий натижа бера олмаслигини унутмаслик лозим. Бунинг учун кластер иштирокчилари бу йўналишдаги билимларини такомиллаштириши, унинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00995

назарий ва амалий асослари билан танишишлари муҳим. Таълим кластерининг ижтимоий соҳада аҳамиятини педагогик таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашда деб таснифлаш мумкин. Шу билан бирга ўқув-тарбиявий ишларида янги имкониятларни оммалаштиришда, узлуксиз таълим тизимда педагог кадрларни тайёрлашни ҳамкорликда лойиҳалаш йўналишларида кўзга ташланади .

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, таълим кластери мазмуни ва соҳанинг ўзига хос ихтисослигидан келиб чиқиб, тарих дарсларида қуйидаги йўналишларда ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ: таълим йўналиши, таълим воситалари йўналиши, таълим ва фан йўналиши, тарих таълими ва истеъмолчилар йўналиши ҳамда таълим сифатини бошқариш йўналиши. Ҳар бир йўналиш ўз ичида ўзаро тармоқланган ҳолда мазмуни таълим турлари ўртасидаги таълимий, илмий, услубий, таълим воситалари ва бошқарув билан боғлиқ ҳамкорликнинг барча шакл, усул ва технологияларини ўзида жамлайди. Таълим йўналишида мактабларда тарих дарсларидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, таснифлаш ва бартараф этиш, ўқув-услубий салоҳиятнинг вертикал ва горизонтал ҳаракатланиш механизмларини ишлаб чиқиш, дарс машғулотлари сифатини бошқариш ва назорат қилиш, ўқув-услубий самарадорликни аниқлашнинг содда ва энг мақбул механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш, ўқув-услубий соҳада таълим турлариаро тюторлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Таълим воситалари йўналишида эса, тарих фанлари ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув қўлланмаларнинг мазмуни ва сифатини бойитиш, савиясини кўтариш, дарс машғулотининг ёрдамчи адабиётлари ва дидактик таъминотини такомиллаштириш, ахборот технологиялари ва педагогик технологиялардан самарали фойдаланишга эришишни асосий шартлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Таълим ва фан йўналишида булар ўртасидаги интеграцияни кучайтириш, илмий соҳада таълим турлариаро тюторлик фаолиятини йўлга қўйиш, ОТМ ва умумтаълим мактаблари ҳамкорлигида тарихий мавзуларда бинар илмий тадқиқотларни кўпайтириш, ОТМ тарих кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан илмий ишланмалар тайёрлаш ва унинг умумтаълим мактаби тарих фанлари педагог-ўқитувчилари томонидан амалиётга татбиқ қилиниши назарда тутилади. Кейинги йўналишда тарих таълими ва истеъмолчилар йўналиши ўртасидаги интеграцияни кучайтириш, тарих

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00995

дарсларида назарий ва амалий асослар уйғунлигини таъминлаш, глобаллашув шиддатини инобатга олган ҳолда илм-фан ютуқларининг тезлик билан амалиётга татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш амалга оширилади. Таълим сифатини бошқариш йўналишида эса, дарсларни инновацион бошқарув борасида янги усулларни ишлаб чиқиш, барча таълим истеъмолчилари манфаатларини мувофиқлаштирувчи сифатни яратиш, инновацион усул ва воситаларни, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнларида татбиқ қилиш лозим бўлади.

REFERENCES

1. Mukhamedov G'.I, Hodjamqulov U.N., Toshtemirova S.A. Innovation cluster of pedagogical education. - T.: University, 2020. 280 b.
2. Мухамедов, Г. И., Эшчанов, Б. Х., Махмудова, Д. М., & Алимкулов, Ж. Б. (2021). Педагогик таълим узвийлигини таъминлашнинг илмий-педагогик муаммолари. Academic research in educational sciences, 2(4), 1622-1638.
3. Mardonov, Sh., Toshtemirova, S., Ahmadjonov, B., & Koshanova, N. (2020). Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster. International Journal of Psychological Rehabilitation, 27(07), 8104-8111. Ходжамқулов, У. Н. (2020). Педагогик таълим инновацион кластери (Ўзбекистон таълим тизими мисолида). Academic Research in Educational Sciences, 1 (4), 537-547.
4. Тоштемирова С.А. (2020) Таълим сифати самарадорлигини оширишда инновацион ҒОяларнинг ахамияти. МуҒаллим ҳәм Үзликсиз билимлендириу, 1(1). 56-61.
5. Абдурахманова Ж.Н., Тоштемирова С.А. (2020). Инновацион технологиялар ва ахборот маданиятини шакллантириш педагогиканинг долзарб масалаларидан бири. Science and Education.1(7). 436-442.
6. Ботирова, Ш. И. (2020). Педагогик таълим инновацион кластери янги устувор йўналиш сифатида. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 487-494.
7. Toshtemirova, C., Жолдасов, И. (2019). Білімді адамгершілікке баулу идеясының қажеттігі // “Actual problems of society, education, science and technology: status and prospects of development” collection of scientific papers of the ii international scientific-practical conference. Актубе. P. 17-23.
8. Ғаффоров, Я. Х., & Тоштемирова, С. А. (2021). Таълим ва тарбияда инсонпарварлик тамойилининг зарурати. Academic research in educational sciences, 2(2), 292-299.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00995

9. Toshtemirova S.A. (2020). Ta‟lim va tarbiyaning demokratik hamda insonparvarlik tamoyili. Maktab va hayot, 1(1), 36-38.
10. Ахмаджонов, Д. Б. (2021). Бўлажак ўқитувчилар касбий компетенцияларини такомиллаштириш шакл ва усуллари. Academic research in educational sciences, 2(4), 815-825.
11. Toshtemirova S. A. (2020). Ta'lim sifati va uni demokratlashtirish ilmiy muammo sifatida // Uzluksiz ta'lim. № 1 (86). - S.5.
12. Toshev S. (2020). Tarix fanini o’qitishnda zamonaviy yondashuvlar. Science and Education, 1(Special Issue), 6
13. Toshtemirova, S. (2020). Factors Affecting the Quality of Education and the Importance of the Education Cluster to Address Them. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(4), 151-156.
14. Тоштемирова, С. А., & Мухаммадиев, Л. Ғ. (2021). Таълим сифати бошқаруви ва бу йўналишдаги халқаро моделларнинг ўзига хос хусусиятлари. Academic research in educational sciences, 2(3), 769-777. DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00466
15. Toshtemirova, S.A. (2019). Klaster yondashuvi asosida mintaqaviy ta'lim tizmini boshqarish. NamDU ilmiy axborotnomasi, 1(11), 361-367.
16. Тоштемирова, С. (2020). Таълимда Чирчиқ тажрибаси. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 445-451.